

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ТРАУМЕЛЬ С
TRAUMEEL® S

Препаратнинг савдо номи: Траумель С

Дори шакли: Таблеткалар

Таркиби:

1 та таблетка (301,5 мг) қуйидагиларни сақлайди:

Фаол моддалар:

Бўймодарон	D3	15,0	мг
Кўк Парпиўт	D3	30,0	мг
Доривор Белладонна	D4	75,0	мг
Гепар сульфур	D8	30,0	мг
Доривор мойчечак	D3	24,0	мг
Ганеман бўйича эрувчан симоб	D8	30,0	мг
Доривор Окопник	D8	24,0	мг
Кўп йиллик Маргаритка	D2	6,0	мг
Доривор тирноқгул	D2	15,0	мг
Эхинацея	D2	6,0	мг
Қизил Эхинацея	D2	6,0	мг
Гамамелис виргиниана	D2	15,0	мг
Далачой	D2	3,0	мг
Тоғ Арникаси	D2	15,0	мг

Ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати, магния стеарати

Таърифи: Траумель С – оқ рангдан сариқ-оқ ранггача, думалоқ ва яссицилиндрик шаклли, фаскали таблеткалар. Баъзида тўқ сариқ рангли доғлари бўлиши мумкин.

Фармакотерапевтик гуруҳи: яллиғланишга қарши касалликларни, таянч-ҳаракат аппарати касалликларини даволаш учун бошқа дори препаратлари.

Код АТХ: VO3AX

Фармакологик хусусиятлари

Маълумотлар йўқ.

Фармакокинетика

Маълумотлар йўқ.

Қўлланилиши

Пайлар чўзилишида, пай ва боғламлар зўриқишда, суяк синиши ва дарз кетишда, юмшоқ тўқималарнинг жаррохликдан кейинги ва посттравматик яллиғланишида, турли орган ва тўқималар, шунингдек таянч-ҳаракат аппарати яллиғланишларида (тендовагинит, бурсит, стилоидит, эпикондилит, периартрит, артроз) қўлланиладиган гомеопатик дори препарати.

Қўллаш усули ва дозалари

Стандарт доза:

Катталар ва болалар (12 ёшдан): кунига 3 марта 1 таблеткадан буюрилади.

Касалликнинг ўткир шакллари ва эрта даволаш учун доза:

Катталар ва болалар (12 ёшдан): кунига 12 мартагача ҳар 30-60 мин. 1 таблеткадан, сўнгра стандарт схема бўйича давом эттирилади.

Болалар учун стандарт доза:

6–11 ёш: кунига 2 марта 1 таблеткадан буюрилади.

2–5 ёш: кунига 1-2 марта 1 таблеткадан буюрилади.

2 ёш: кунига 1 марта 1 таблеткадан буюрилади.

Касалликнинг ўткир шакллари ва эрта даволаш учун доза:

6–11 ёш: кунига 8 мартагача ҳар 1-2 соатда 1 таблеткадан, сўнгра стандарт схема бўйича давом эттирилади.

2–5 ёш: кунига 6 мартагача ҳар 1-2 соатда 1 таблеткадан, сўнгра стандарт схема бўйича давом эттирилади.

2 ёш: кунига 4 мартагача ҳар 1-2 соатда 1 таблеткадан, сўнгра стандарт схема бўйича давом эттирилади.

Қўллаш усули

Таблеткани оғизда шимиб, кейин ютиш афзалроқ. Болалар учун таблеткани майдалаб ва сув билан аралаштириб бериш мумкин. Овқатланиш вақтида қабул қилинмасин.

Ножўя таъсирлари

Барча дори воситалари каби ушбу дори воситаси ҳам кам ҳолларда ножўя таъсирларни чакириши мумкин.

Айрим ҳолларда, транзитор тери реакциялари хақида хабар бўлган.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Фаол моддаларга, шу жумладан тоғ арникаси, доривор календула, доривор мойчечак, эхинацея, дасторбош, дасторгул кўп йиллик маргаритка каби мойчечаклар оиласига мансуб ўсимликларга ёки ҳар қандай ёрдамчи моддаларга юқори сезувчанлик.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Аниқланмаган ва ушбу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги сабабли кутилмайди.

Агар бошқа дори воситаларини қабул қилаётган бўлсангиз, яқинда қабул қилган бўлсангиз ёки қабул қилишни режалаштираётган бўлсангиз, бу ҳақида шифокорга ёки фармацевтга хабар беринг.

Махсус кўрсатмалар

Глюкозани ўзлаштираолмаслик, лактаза ёки глюкоза-галактоза мальабсорбцияси танқислиги каби камдан-кам учрайдиган ирсий касалликлари бўлган беморлар ушбу дори воситасини қабул қилмасликлари керак.

Репродуктив, ҳомиладорлик ва эмизиш даври

Ҳомиладор ва эмизиш давридаги аёлларда клиник тадқиқотлар ўтказилмаган. Ушбу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги сабабли, дори воситасининг таркибий моддалари ҳомиладорлик ва лактация даврида салбий таъсир кўрсатмайди.

Агар ҳомиладор бўлсангиз, кўкракдан эмизсангиз ёки ўзингизни ҳомиладор деб ўйласангиз ёки фарзанд кўришни режалаштираётган бўлсангиз, ушбу дори воситасини қабул қилишдан олдин мутахассис билан маслаҳатлашинг.

Автомобилни бошқаришга ва диққат-эътиборни талаб қилувчи соҳаларга таъсири

Таъсир кўрсатмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Бирорта ҳам дозани ошириб юборилиши ҳолатлари қайд этилмаган ва бу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги сабабли кутилмайди.

Чиқарилиш шакли

Таблеткалар учун оқ рангли полипропилен контейнер полипропилен оқ рангли қопқоғи билан. Ўрам ўлчами: 50 таблеткалар.

Сақлаш шароити

30°C дан юкори бўлмаган ҳароратда сақлансин.
Дори воситаси коронғи ва болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Очилгандан сўнг яроқлилик муддати: 12 ой.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

ГУВОҲНОМА ЭГАСИ

Biologische Heilmittel Heel GmbH

Dr.-Reckeweg-Str. 2-4

76532 Baden-Baden,

Germany

Tel.: +49 72 21 / 501-00

Fax: +49 72 21 / 501-210

E-Mail: info@heel.com

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги дори воситасининг сифатига тегишли шикоятлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг манзили ва номи:

МЧЖ “Business Excellence Consulting”

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри 100015

Ойбек кўч. 24 уй

Тел. +99871 281 46 35